

# ЗЎРАВОНЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ



Мамлакатимизнинг узоқ ҳудудларида ҳам тазйиқлардан, камситишлардан, ҳуқуқсизликда азият чекаётган хотин-қизлар, норасидаларнинг қанчадан-қанчаси додини қаерга бориб айтишни билмаяпти.

Эндиликда уларнинг ҳуқуқларини тиклаш, зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида ИИБда 24 соат ишлайдиган call-марказ ташкил этилади.

Жорий йилнинг 10 январидан ўз фаолиятини бошлаган мазкур call-марказга “1259” қисқа рақами орқали боғланиш мумкин.

ИИБ мурожаатларни тинглайди, текширади ва фуқароларнинг ҳуқуқлари тиклашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, профилактика инспекторлари ҳам шикоятларини ИИБга “1286” қисқа рақами орқали баён қилиши мумкин.

Шунингдек, 10 январдан ишга туширилган Telegram-bot @JXD\_HUQUQIY\_YORDAMBOT орқали ҳам шикоят ва мурожаатлар қабул қилинади.

С.Худойқулова,

Туман ИИБ ХПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, лейтенант